

“Gidromaxsusqurilish”АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари

умумий йиғилишининг
“18” 09 2020 йилдаги
қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”
Б.Г. Амирсаидов
(йиғилиш раиси Ф.И.Ш.)

“Gidromaxsusqurilish”АЖ Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш тўғрисидаги НИЗОМ

1. Умумий қоидалар
2. Моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) ва компенсация харажатлар манбалари ва миқдорини аниқлаш
3. Кузатув кенгаши раиси, аъзолари ва котибини мукофотлаш (рағбатлантириш) тури ва тартиби
4. Тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш (рағбатлантириш) тури ва тартиби
5. Ижроия органи аъзоларини мукофотлаш (рағбатлантириш) турлари ва тартиби.
6. Якуний қоидалар.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси, аъзолари, котиби ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек ижроия органи аъзолари вазифаларини бажарганлиги учун мукофотлаш (рағбатлантириш) ва (ёки) харажатларн компенсация қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) тўланиши жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларида Жамият фаолияти натижаларида кизикиши ва иш самарадорлиги ортади.

1.3. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низоми, Жамият Устави ва Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015 й. 9-сон) талабларига асосан ишлаб чиқилган.

1.4. Ушбу низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Самарадорликнинг муҳим қўрсаткичлари (кейинги ўринларда СМК деб аталади) ташкилотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлади.

самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда СЙК деб аталади) барча СМК бўйича ўртacha хисобланган миқдор ташкилотнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи сифатида ифодаланади.

1.5. СМК рўйхати фаолиятнинг иқтисодий, энергетика, ишлаб чиқариш, инновацион самарадорлиги кўрсаткичларини ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин.

II. МОДДИЙ МУКОФОТЛАШ (РАҒБАТЛАНТИРИШ) ВА КОМПЕНСАЦИЯ ХАРАЖАТЛАР МАНБАЛАРИ ВА МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

2.1. Йил якунлари бўйича Жамият кузатув кенгаши раиси, аъзолари ва котибни бир марталик мукофотлаш (рағбатлантириш) манбаи бўлиб Жамият томонидан бизнес-режасида белгиланган соф фойданинг ортифи билан олинган қисмининг 50 % хизмат килади (Хақиқатда СФ-БР бўйича Фойда=ортиқ қисми).

2.2. Кузатув кенгаши аъзолари, котиби, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини моддий рағбатлантириш қўйидаги шаклда амалга оширилади:

бошқарув ва назорат вазифаларни амалга оширганлиги учун асосий мукофотлаш (ойлик);

ягона акциядор томонидан тасдиқланган бизнес-режага асосан соф фойда билан якунланган Жамият фаолияти якунлари бўйича молия хисобот йили натижаларидан келиб чиқиб бир марталик (йиллик) мукофотлаш.

2.3. Шу билан бирга, кейинчалик тўловни амалга ошириши учун моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) маблағлари йиғиладиган бухгалтерия счетида алоҳида “Gidromaxsusqurilish” АЖ моддий рағбатлантириш фонди очилади.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ, АЪЗОЛАРИ ВА КОТИБНИ МУКОФОТЛАШ (РАҒБАТЛАНТИРИШ) ТУРИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

Кузатув кенгаши раиси, аъзоларини ва котибини моддий рағбатлантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

Кузатув кенгаши раиси, аъзоларига ва котибига асосий мукофотлаш корпоратив бошқарув тизимини олдиндан баҳолаш ўтказилмасдан ва Жамиятнинг молиявий кўрсаткичларини инобатга олмаган хар ойда:

Кузатув кенгаши раисига-мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ) 2 баробарида;

Кузатув кенгаши аъзосига- мөхнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ) 1,5 баробарида;

Кузатув кенгаши котибига - мөхнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ) 1 баробари тўланади.

Молия йили хисоботи учун кузатув кенгаши раиси, аъзолари ва котиб ўртасида тақсимланадиган бир марталик мукофотлаш, Жамиятнинг бизнес-режаси билан

белгиланган соф фойданинг ортиги билан олинган қисмининг 5% ҳисобида тўланади, бироқ низомнинг 3.5 бандида белгиланган миқдоридан ошмаган ҳолда.

Бунда, хар бир кузатув кенгаши аъзосига мукофот пули хисоблашда, унинг жамият фаолиятига, иқтисодий-молиявий ва корпоратив бошқарув тизимини яхшилашга қўшган хиссаси, кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашганлик даражасидан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим.

3.2. Жамият ҳар йили корпоратив бошқарув тизимини ва молия натижалари бўйича мустакил баҳолаш ўтказади.

3.3. Мустакил баҳолаш натижалари кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига тўланадиган бир марталик (йиллик) мукофот учун асос хисобланади

Шу билан бирга, йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб кузатув кенгаши аъзоларига хисобланган ойлик тўловлар қайта хисоблаб чиқилади. Агарда, баҳолаш натижалари “қониқарли” тоифасидан паст баҳоланса ўртадаги фарқ бир марталик (йиллик) мукофотдан ушлаб қолинади.

3.4. Мустакил ташкилот билан тузилган шартномага асосан кузатув кенгаши фаолияти қоникарсиз, паст, қоникарли ва юқори деб топилиши мумкин.

3.5. Бир марталик мукофот пули миқдори (1 нафар кузатув кенгаши аъзосига 1 йил учун) қўйидаги тартибда белгиланади:

Қоникарсиз деб топилганда – мукофот хисобланмайди ва тўланмайди;

Паст деб топилганда – мукофот хисобланмайди ва тўланмайди;

Қониқарли деб топилганда-кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 8 баробарида ва кузатув кенгаши аъзоларига 6 баробари миқдорида;

Юқори деб топилганда-кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 10 баробарида ва кузатув кенгаши аъзоларига 8 баробари миқдорида.

3.6. Мукофот пули тўланиши билан боғлиқ харажатлар Жамиятнинг давр харажатларига киритилади ва тўғрисида Жамият бухгалтерияси тегишли проводкаларни амалга оширади.

3.7 Жамият кузатув кенгаши аъзосига йиллик мукофот миқдори, агар у кузатув кенгаши йиғилишларининг ярмида қатнашмаган ва унга бириктирилган мажбуриятларни ёки алохидаги топширикларни қоникарсиз бажарган ҳолда камайтирилиши мумкин.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ (РАҒБАТЛАНТИРИШ) ТУРИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш (рағбатлантириш) мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

4.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини хар чорак якуни бўйича моддий рағбатлантириш, қўйидаги шаклда амалга оширилади:

тафтиш комиссияси раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 5 (беш) баробари миқдорида асосий мукофотлаш;

тафтиш комиссияси аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 3 (уч) баробари миқдорида асосий мукофотлаш;

агар, тафтиш комиссияси томонидан хар чоракда кузатув кенгашига хulosалар киритилмаса мукофот пули тўланмайди.

Молия йили хисоботи учун Тафтиш комиссияси аъзолари ўртасида тақсимланадиган бир марталик мукофотлаш, Жамиятнинг бизнес-режаси билан белгиланган соф фойданинг ортиги билан олинган қисмининг **2 %** хисобида тўланади, бироқ низомнинг 4.2 бандида белгиланган миқдоридан ошмаган ҳолда тўланади.

4.3. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига ягона акциядорнинг қарорига қонунда белгиланган тартибда ўз вазифаларини бажариш вақтида тафтиш комиссияси вазифларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланиши мумкин.

4.4. Тафтиш комиссияси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун тафтиш комиссияси йиғилишларида қатнашиши, тафтиш комиссияси топширигига асосан Жамият филиаллари ва ваколатхоналарига текшириш ўtkазиш учун чиқишлари мумкин.

4.5. Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан ўз вазифаларини бажариш учун қилинган харажатлар (траспорт харажатлар, яшаш, овқат пули ва бошқалар) Жамият томонидан ушбу харажатларни тасдиқловчи бирламчи хужжат тақдим этилган тақдирда қоплаб (тўлаб) берилади.

Тафтиш комиссияси аъзолари харажатлари Жамият маблағлари хисобиданг тўлиқ қоплаб берилади.

4.6. Харажатларни тўлаш йиғилиш ўтказилган вакт ёки кетиши вақтида амалда бўлган Жамият хизмат сафарлари харажатлари нормаларига асосан амалга оширилади.

4.6. Жамият томонидан харажатлар қоплаш пул шаклида амалга оширилади.

Жамият томонидан харажатларни тўлаш тафтиш комиссияси аъзоси томонидан харажатларни қилинганилиги тўғрисида хужжатлар тақдим этилганидан кейин 30 календарь кунида амалга оширилади.

4.7. Тафтиш комиссияси харажатларини компенсация килиш маблағлар миқдори Жамиятнинг кейинги молия йил учун бизнес режасида акс эттирилган бўлиши лозим.

4.8. Тафтиш комиссияси аъзоларига чораклик ва йиллик мукофотлар уларнинг бажарган ишлари ҳамда қонунда ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ти Низомда белгиланган вазифалар ва хисоботларни (хуносалар) тақдим этганлиги учун тўланади. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хуносани ҳар чорақда жамият қузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Тафтиш комиссияси аъзосига йиллик мукофот миқдори, агар у қузатув кенгаши йиғилишларининг ярмида қатнашмаган ва унга биринчирилган мажбуриятларни ёки алохидаги топширикларни қониқарсиз бажарган ҳолда камайтирилиши мумкин.

4.9 Тафтиш комиссияси аъзоси ваколати муддатидан олдин тугатилган тақдирда йиллик мукофот пули Жамият тафтиш комиссияси аъзоси вазифаларини амалда бажарган вақтига мутонасиб равишда тўланади.

V. ИЖРОИЯ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ (РАГБАТЛАНТИРИШ) ТУРЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Жамият ижрои органи аъзоларини мукофотлаш (рагбатлантириш) мазкур Низом билан белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Ижрои органига тўланадиган мукофот миқдорини белгилаш Жамият ягона акциядор ваколатига киради.

Жамият ижроия органига тўланадиган мукофот ва компенсацияларнинг аниқ микдори жамият ягона акциядорининг қарорига асосан белгиланади.

5.2. Жамият ижроия органига моддий рағбатлантириш қуидаги шаклда амалга оширилади:

хар чоракда тўланадиган асосий мукофот микдори бевосита Жамиятнинг ҳар бир давр фаолият натижалари тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Молия йили хисоботи учун Ижро органи аъзоларига тақсимланадиган бир марталик мукофотлаш, Жамиятнинг бизнес-режаси билан белгиланган соф фойданинг ортиғи билан олинган қисмининг 4% хисобида аудитор ташкилотининг хulosаси олинган тақдирда, бироқ низомнинг 5.4 бандида белгиланган микдоридан ошмаган ҳолда тўланади.

5.3. Жамият ижроия органининг самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш учун ягона акциядор қарори ёки кузатув кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низомида белгиланган асосий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари қўлланилади.

Жамиятнинг ижроия органи фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида бизнес-режада алоҳида илова сифатида акс эттирилган хар бир давр учун прогнозли (мақсадли) СМК кўрсаткичлари қўлланилади.

Хисоблаш натижасида олинган СМК қийматлари бажариш фоизи сифатида бизнес-режада белгиланган прогноз (мақсад) қийматлари билан боғлиқдир.

СМК хисоби иқтисодий анализ ва режалаштириш бўлими томонидан амалга оширилади.

Йил якуплари бўйича СМК ва СИК қиймати ва бажариш фоизлари консалтинг хизматларини кўрсатиш йўли билан аудиторлик ташкилотини қўшимча шартнома асосида жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

5.4. Жамият кузатув кенгаши қарорига асосан ижроия органи фаолияти самарадорлиги қуидаги тоифалар бўйича белгиланади:

Коникарсиз даражада-агар СМК кўрсаткичлари 40 фоиздан кам бўлса мукофот хисобланмайди ва тўланмайди;

Паст даражада- агар СМК кўрсаткичлари 40 фоиздан 60 фоизгача ташкил этган бўлса мукофот хисобланмайди ва тўланмайди;

Етарли даражада эмас- агар СМК кўрсаткичлари 60 фоиздан 80 фоизгача ташкил этган бўлса мукофот хисобланмайди ва тўланмайди;

Ўрта даражада- агар СМК кўрсаткичлари 80 фоиздан 90 фоизгача ташкил этса, мукофот лавозим окладининг 1,0 микдорида хисобланади ва тўланади;

Етарли даражада – агар СМК кўрсаткичлари 90 фоиздан 100 фоизгача ташкил этса, мукофот лавозим окладининг 1,2 микдорида хисобланади ва тўланади;

Юқори даражада- агар СМК кўрсаткичлари 100 фоиздан юқорини ташкил этса, мукофот лавозим окладининг 1,5 микдорида хисобланади ва тўланади.

Кузатув кенгаши қарорига асосан ижроия органи фаолияти самарадорлигидан келиб чиқиб:

Ижроия органининг корхона фаолияти кўрсаткичларини шакллантиришда қўшган хиссасидан келиб чиқиб тўғриланган кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин;

агар СЙК ва бажариш фоизлари режалаштирилган барча СМКни камида 70% ошиғи билан бажарилган тақдирда мукофот пули икки баробарига оширилиши мумкин.

5.5. Жамият ижроия органи аъзоларига асосий рағбатлантириш, хизмат йиллари (выслуга лет) учун рағбатлантириш ва давлат ҳамда касб байрамлари муносбати билан мукофотлар мазкур Низомнинг 5.4 бандига асосан “ўрта даражада” тоифаси миқдорида кузатув кенгаши қарорисиз тўланади.

5.6. Жамият ижроия органи аъзоларига ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки самарадорлиги қониқарсиз бўлган тақдирда иш хақига қўшимчалар, мукофот ва бошқа моддий рағбатлантиришларни белгилаш тақиқланади.

5.7. Ижроия органи аъзоси ваколати муддатидан олдин тутатилган тақдирда асосий (чораклик) мукофот пули Жамият ижроия органи аъзоси вазифаларини амалда бажарган вақтига мутонасиб равишда тўланади.

5.8. Жамиятнинг меҳнат жамоасига моддий рағбатлантириш (мукофотлаш), Жамият ягона акциядорининг қарорига асосан Жамиятнинг бизнес-режаси билан белгиланган соғ фойданинг ортиғи билан олинган қисмининг 20% хисобида тўланади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Мазкур Низом ва унга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

6.2. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи раиси (директор) таклифига асосан киритилади.

6.3. Агар мазкур Низомнинг алохидা моддалари амалдаги Қонунга ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки жамият Устави нормалари билан тартибга солинади.

6.4. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан кучга киради.